ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди:
№ БД 5510100; 5111000-3.03
2021 йил "4" июн

Соғлиқни сақлаш вазирлиги
121-сонли буйруқ
2021 йил "4" июн

ТЕРАПИЯ:
КЛИНИК АЛЛЕРГОЛОГИЯ, ИММУНОЛОГИЯ
МОДУЛ ДАСТУРИ

Билим соҳаси:	500000	- Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот
Таълим соҳаси:	510000	- Соғлиқни сақлаш
Таълим йўналишлари:	5510100	- Даволаш иши
	5111000	- Профессионал таълими
		- (5510100-Даволаш иши)

Тошкент – 2021

Тузувчилар:

Разикова И. С. - ТТА, Аллергология, клиник иммунология ва ҳамширалик иши кафедраси мудири, т.ф.д, профессор

Байбекова В. Ф. - ТТА, Аллергология, клиник иммунология ва ҳамширалик иши кафедраси ассистенти

Айдарова Н. П. - ТТА, Аллергология, клиник иммунология ва ҳамширалик иши кафедраси ассистенти

Тақризчилар:

Ирсалиева Ф. Х. - ТТА, Аллергология, клиник иммунология ва ҳамширалик иши кафедраси доценти, т.ф.д.

Абдуллаев Н. Ч. - ТошПТИ, Аллергология, клиник иммунология ва микробиология кафедраси доценти, т.ф.н.

Модул дастури Тошкент тиббиёт академиясида ишлаб чиқилди.

Модул дастури Тошкент тиббиёт академияси кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2021 йил “26” майдаги “12”-сонли баённома).

Модул дастури Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тиббиёт ва фармацевтика узлуксиз касбий таълими муассасаларароо Мувофиқлаштириш кенгашининг 2021 йил “13” апрелдаги 3-сонли баённомаси билан маъқулланган.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил “4” июндаги 121-сонли буйруғининг 1-иловаси билан модул дастури рўйҳати тасдиқланган.

1. Ўқув модулининг долзарблиги ва олий таълимдаги ўрни

Клиник аллергология, иммунология модули ўқув режанинг клиник модуллар блокига тааллуқли бўлиб, 5 курсда ўқитилади. Клиник аллергология, иммунология модули бўлажак мутахассисни тайёрлашнинг талабаларга клиник аллергология, иммунология модули бўйича касбий билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришга ёрдам беради. Талабалар томонидан клиник аллергология, иммунология модули бўйича аллергологик касалликларни этиологияси, патогенези, клиник белгиларини, синдромларни, аллергологияда маҳсус текшириш усулларини, даволаш принципларини ўрганади.

Модулни ўқитиш учун биология, анатомия, физиология, патологик физиология, фармакология модуллари назарий замин бўлиб хизмат қилади. Клиник аллергология, иммунология модули кейинчалик барча клиник модуллари учун назарий замин бўлиб хизмат қилади.

2. Ўқув модулининг мақсади ва вазифалари

2.1. Модулнинг мақсади **-** талабаларга аҳоли ўртасида ўткир ва сурункали аллергик касалликларни эрта ташхислаш, соғлом турмуш тарзини тарғибот қилиш, аллергик касалликларнинг ташхислашнинг замонавий лаборатор усулларидан кенг фойдаланган холда беморларнинг тиббий муаммоларнинг ечимини топиш ҳақида билим, кўникма ва малакани шакллантиришдир.

2. Модулнинг вазифалари:

- деонтология ва этика тамойилларини талабалар онгига сингдириш;
- даволаш профилактик муассасаларида замонавий лаборатор асбоб – ускунавий аллергологик текшириш усулларидан кенг фойдаланиш, усулларнинг сезувчанлиги ва спецификлиги билан таништириш;
- Ўзбекистон Республикасида ихтисослаштирилган аллергологик хизмат тизими билан таништириш;
- аллергологик касалликларнинг таснифи ва ўзига хос хусусиятлари, ривожланиш патогенетик механизмларини ўргатиш;
- аллергик касалликларнинг асосий тасхишлаш усулларини ўргатиш;
- аллергик касалликларни даволаш усулларини ўргатиш;
- аллергологик касалликларни бирламчи ва иккиламчи профилактикаси билан таништириш;
- аллергологияда жадал холатларда биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш протокол ва стандартлари билан таништириш;
- аллергологик беморларни даволашнинг замонавий усуллари тўғрисидаги илмий адабиётлардан фойдаланишни ўргатиш.

2.3. ***Модул бўйича талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар:***

Талаба:

– аллергологик касалликларининг эпидемиологик маълумотлари;
– этиологик ва хавф омилларининг таъсири;
– патогенезининг замонавий назариялари, таснифлари;
– диагностиканинг, шу жумладан эрта диагностиканинг замонавий усуллари;
– турли босқичларда даволаш схемалари, бирламчи ва иккиламчи профилактикаси тўғрисида ***тасаввурга эга бўлиши***;
– аллергологик касалликларнинг асосий диагностик белгиларини аниқлаш;
– аллергологик касалликлари нуқтаи назаридан кераклитекшириш режасини тузиш; аллергологик синамаларини танлаш ва ўтказиш техникаси;
– специфик текширишга аллергологга юбориш кўрсатмаларни аниқлаш;
– лаборатор ва инструментал текшириш натижаларини тахлил қилиш;
– хақиқий ва псевдоаллергик холатларни таққослаш; специфик ва носпецифик гипосенсибилизацияни ўтказиш учун кўрсатмаларни аниқлаш;
– бронхиал обструкцияни қайтиш - қайтмаслигини аниқлаш;
– бронхларнинг гиперреактивлигини аниқлаш;
– шошилинч холатларда (Квинке шиши, Лайелла синдроми, бронхиал астма хуружи, анафилактик шок) тезкор тиббий ёрдам кўрсата олиш;
– тиббий хужжатларни юритиш асослари ҳақида ***билиши ва улардан фойдалана олиши***;
– мустақил равишда махсус аллергологик ва медикаментоз анамнез йигиш;
– клиник (умумий қон, пешоб, балғам) таҳлили, биокимё ва иммунологик тахлилларни интерпретацияси;
– пикфлоуметрияни ўтказиш ва интерпретацияси; тери синамаларни ўтказиш ва натижалари интерпретацияси; ингалятордан фойдаланиш техникаси; шошилинч аллергик холатларда (Квинке шиши, бронхиал астма хуружи, анафилактик шок) биринчи ёрдам кўрсатиш каби ***малакаларига (шу жумладан клиник амалий кўникмаларига) эга бўлиши керак.***

3. Асосий қисм

3.1. Модулдаги маъруза машғулотлари мавзулари ва мазмуни, ташкил бўйича умумий кўрсатма ва тавсиялар:

1-мавзу. Аллергик реакцияларнинг турлари. Аллергологик касалликларнинг in vivo ва in vitro текширув усуллари.

Талабаларга аллергик реакцияларнинг 4 тури, патогенези, боскичлари (иммунологик, патохимик, патофизиологик) ва яллиғланиш жараёнининг

медиаторлари тўғрисида тушунча бериш. Аллергологик касалликларнинг in vivo текширув усуллари, тери синамалари ва провокацион синамалари кўрсатма ва қарши кўрсатмалари тўғрисида маълумот бериш. Аллергологик касалликларнинг in vitro текширув усуллари тўғрисида замонавий тушунчалар бериш.

2-мавзу. Нафас тизимининг функционал текширув усуллари.

Талабаларга нафас тизимининг функционал текширув усуллари тўғрисида маълумот бериш. ФВД, спирометрия, пикфлоуметрия ўтказиш қоидалари, кўрсатма ва қарши кўрсатмалари тўғрисида замонавий тушунчалар бериш.

3-мавзу. Аллергик ринит.

Талабаларга аллергик ринит этиология, патогенези, клиника, in vivo ва in vitro текширув усуллари, даволаш принциплари тўғрисида маълумот бериш.

4-мавзу. Бронхиал астма.

Талабаларга бронхиал астма этиология, патогенези, клиника, лаборатор ва инструментал текширув усуллари, даволаш принциплари тўғрисида маълумот бериш.

5-мавзу. Қаварчиқлар. Атопик дерматит.

Талабаларга қаварчиқлар ва атопик дерматит этиология, патогенези, клиника, in vivo ва in vitro текширув усуллари, даволаш принциплари тўғрисида маълумот бериш.

3.2. Модулдаги амалий машғулотларнинг мавзулари, ташкил этиш бўйича умумий кўрсатма ва тавсиялар:

Модул бўйича машғулотлар 50% назарий (маъруза ва амалий машғулот) ва 50% амалий қисм (ўқув клиник амалиёт)дан иборат бўлган ҳолда ўтказилади. Амалий машғулотнинг назарий ва амалий қисми ўзаро боғлиқ ҳолда ўтказилади.

3.2.1. Амалий машғулотларнинг мавзулар рўйхати:

1-мавзу. Аллергологиянинг ривожланиш тарихи. Аллергик реакцияларнинг турлари. Аллергологик касалликларнинг in vivo ва in vitro текширув усуллари, ўтказиш қоидалари, кўрсатма ва қарши кўрсатмалари.

2- мавзу. Иммунология асослари. Иммуноглобулинлар, таснифи, вазифаси. Лимфоцитлар, турлари, вазифаси.

3- мавзу. Нафас тизимининг функционал текширув усуллари. ФВД, спирометрия, пикфлоуметрия ўтказиш қоидалари, кўрсатма ва қарши кўрсатмалари.

4-мавзу. Аллергик ринит этиология, патогенези, клиника, in vivo ва in vitro текширув усуллари, даволаш принциплари.

5-мавзу. Бронхиал астма этиология, патогенези, клиника, лаборатор ва инструментал текширув усуллари, даволаш принциплари.
6-мавзу. Қаварчиқлар ва атопик дерматит этиология, патогенези, клиника, in vivo ва in vitro текширув усуллари, даволаш принциплари.
7-мавзу. Дори аллергия этиология, патогенези, клиника, in vivo ва in vitro текширув усуллари, даволаш принциплари.
8-мавзу. Аллергологияда жадал ҳолатлар. Анафилактик шок, Квинке шиши, Status astmaticus этиология, патогенези, клиника, биринчи ёрдам кўрсатиш принциплари, даволаш принциплари.
9-мавзу. Молекуляр аллергология асослари. Аллергик касалликларни махсус иммунотерапия усуллари ва қоидалари. Кўрсатма ва қарши кўрсатмалари. Аллергия ва астма мактаби.

3.2.2. Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича умумий кўрсатма ва тавсиялар:

Амалий машғулотлар мультимедиа қурилмалари билан жиҳозланган аудиторияда бир академик гуруҳга бир ўқитувчи томонидан ўтказилади.

Амалий машғулотларни ўтказишда қуйидаги дидактик тамойилларга амал қилинади:

- Амалий машғулотларни мақсадини аниқ белгилаб олиш;
- Ўқитувчининг инновацион педагогик фаолияти бўйича билимларни чуқурлаштириш имкониятларига талабаларда қизиқиш уйғотиш;
- Талабада натижани мустақил равишда қўлга киритиш имкониятини таъминлаш;
- Талабани назарий-методик жиҳатдан тайёрлаш ва ҳ.к.

3.2.3. Модулни ўқитиш давомида эгалланадиган амалий кўникмалар ва компетенциялар:

Модул давомида эгалланадиган амалий кўникмалар рўйҳати:

Ўқув (клиник) амалиётини ўтиш даврида талабалар қуйидаги амалий кўникмаларни ўзлаштиришлари кўзда тутилган.

1. Аллергологик анамнез йигиш;
2. Махсус медикаментоз анамнез йигиш;
3. Пикфлоуметрияни ўтказиш ва интерпретация қилиш;
4. Тери синамаларни ўтказиш ва натижалари интерпретация қилиш;
5. Ингалятордан фойдаланиш техникаси;
6. Шошилинч аллергик холатларда (Квинке шиши, бронхиал астма хуружи, анафилактик шокда) биринчи ёрдам кўрсатиш.

Модул давомида эгалланадиган компетенциялар (номи, коди) рўйхати:

УК 1[1]. Абстракт фикр юритиш, ходисаларни таҳлил ва синтез қилиш қобилиятига эга бўлиш;

УК 2. Дунёқарашни шакллантириш учун фалсафий билимларнинг асосларидан фойдаланиш қобилияти;

УК 3. Ностандарт вазиятларда ҳаракат қилиш қобилияти, қабул қилинган қарорлар учун ижтимоий ва аҳлоқий жавобгарликни олишга тайёрлик;

УК 4. Ўз-ўзини ривожлантиришга, англашга, ўқишга, ижодий салоҳиятдан фойдаланишга тайёрлик;

УК 5. Фавқулоддаги вазиятларда биринчи тиббий ёрдам техникасини, ҳимоя усулларини қўллашга тайёрлик;

УКК 1[2]. Касбий фаолиятнинг стандарт вазифаларини ахборот, библиографик манбалар, биотиббиёт терминологияси, ахборот-коммуникация технологиялари ва ахборот хавфсизлигининг асосий талабларини ҳисобга олган ҳолда ҳал қилишга тайёрлик;

УКК 2. Профессионал фаолиятдаги муаммоларни ҳал қилиш учун оғзаки ва ёзма равишда рус ва хорижий тилларда мулоқот қилишга тайёрлик;

УКК 3. Тиббий хужжатларни юритишга тайёргалик;

УКК 4. Касбий муаммоларни ҳал қилишда дори воситаларини ва уларнинг комбинацияларини тиббий мақсадларда ишлатишга тайёрлик;

УКК 5. Беморларга бирламчи тиббий ёрдам кўрсатишни ташкил етиш ва дастлабки тиббий санитар ёрдам кўрсатишни таъминлашга тайёрлик;

УКК 6. Тиббий ёрдам кўрсатишда кўзда тутилган тиббий асбоблардан фойдаланишга тайёрлик.

Модул давомида ўқув (клиник) амалиётни ташкил этиш бўйича умумий кўрсатма ва тавсиялар:

Талабаларнинг ўқув клиник амалиёти бўлимларда ўтказилади. Амалий машғулотда амалий кўникмаларга ўргатиш жараёни батафсил режалаштирилади ва 3 босқични ўз ичига олади:

1. Кириш қисми – машғулотнинг мақсади ва вазифалари аниқланади, ўрганилаётган кўникмадан фойдаланишнинг мотивацион асоси, унинг назарий жиҳатлари муҳокама қилинади. Агар техник воситаларни қўллаш талаб этилса (пикфлометр, спирометр, ингаляторлар ва ш.ў.), унда уларнинг таъсир механизми, қўллаш техникаси таништирилади.

[1] УК- умумий компетенция

[2] УКК – умумий касбий компетенция

2. Кўникмани намойиш қилиб бериш ва кўп марта машқ қилиш – бунда кўникмани босқичларга тўғри тақсимлашга алоҳида эътибор қаратилади. Тескари алоқани олгунга қадар, яъни ўрганаётган шахс мустақил, бироқ педагог назорати остида бажара олганда, кўникмани бажаришнинг барча босқичларини умумлаштириш ва муляжларда, ўзаро бир-бирида кўп марта машқ қилиш ва фақат кўникмага эга бўлгандан сўнг беморда қўллагунча, ҳар бир босқич намойиш қилинади ва ишлаб чиқилади.
3. Хулоса – ўрганаётган шахс билан ушбу кўникманинг аҳамиятини муҳокама қилиш ва уни турли вазиятларда қўллаш. Сўров асосида бирламчи бўғиннинг мақсади ва вазифаларига эришилганлигига ишонч ҳосил қилиш. Ўқитиш жараёнида юзага келган муамммоларни аниқлаш ва ҳал қилиш.

Талабаларга бажарилаётган амаллар алгоритми мавжуд бўлиши лозим (кафедранинг услубий қўлланмасида касбий йўриқномалар батафсил ёритилган, ўқув хонаси деворига схема кўринишида осиб қўйилган бўлиши лозим). Ўқитувчи назорат қилади ва керак бўлганда талабалар ишидаги хатоликларни тўғрилайди. Талаба, унинг хатоси нимада эканлигини, ўқитувчига ва бошқа талабаларга тушунтириб беради ва сўнгра муолажани такрорлайди. Интерфаоллик шунда намоён бўладики, бунда бошқа талабалар эксперт сифатида чиқишга ва ўқитилаётган талабанинг амалий кўникмани тўғри ўзлаштирганлигини баҳолашга тайёр бўлишлари лозим.

Машғулот сўнггида ўқитувчи ҳар бир талабанинг амалий кўникмани ўзлаштирганлик даражасини баҳолайди. Талаба амалий кўникмани ўзлаштира олмаган вазиятларда, машғулотдан ташқари вақтда мустақил ўзлаштириш тавсия этилади.

4. Мустақил таълим ва мустақил ишлар, ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

4.1.Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг мавзулар рўйҳати:

1. Топик стероидларнинг клиник фармакологияси.
2. Аллергик касалликларнинг фармакотерапияси.
3. Дориларга ўткир токсико-аллергик реакциялар.
4. Анафилактоид шок диагностикаси ва клиникаси.
5. Йўтал синдромида дифференциал диагностикаси.
6. Аллергик касалликларни ташхислаш учун клиник ва лаборатор усуллар.
7. Бронхиал астмада бронхомотор ва ингаляцион синамалар, ташқи нафас функцияси ўзгариши.
8. Кортикостероидларнинг клиник фармакологияси.
9. Антигистамин гурух препаратларнинг клиник фармакологияси.

10. Антилейкотриен гурух препаратларнинг клиник фармакологияси.
11. Овқат аллергиясида хақиқий ва сохта аллергик реакциялар. Озиқ–овқат кундалиги.
12. Нафас тизимининг аллергик касалликларини замонавий лаборатор ва инструментал текшириш усуллари.
13. Гипоаллергенли пархезлар. Турлари. Тайинлаш қоидалари.
14. Молекуляр аллергология асослари.
15. Кесишма реакция. Сабаблари. Патогенез.
16. Атопик касалликларнинг махсус иммунотерапияси.
17. Ўзбекистонда дарахтлар, буталар ва ўсимликларни чанглатиш тақвими. Аллергик касалликларни профилактикасида ўрни.
18. Дерматологик синдромнинг дифференциал диагностикаси.

4.2. Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг шакллари:

Клиник аллергология, иммунология модули бўйича тавсия этилаётган мустақил ишлар модул тизимида турли хил кейс, вазиятли масала ва кроссвордлар шаклида амалга оширилади.

4.3. Мустақил таълим ва мустақил ишларни ташкил этиш бўйича умумий кўрсатма ва тавсиялар:

Клиник аллергология, иммунология модули бўйича мустақил иш аудитория ва аудиториядан ташқари ўтказилади.

Талаба мустақил ишни ташкил этишда қуйидаги шакллардан фойдаланилади:

- аудитория машғулотларидан ташқари тренажёр, муляж ва симуляцион залларда/марказларда тасдиқланган амалий кўникмаларни педагог назоратида сон ва сифат жихатдан бажариш ва амалий кўникмаларни ўзлаштириш дафтарларида акс эттириш;
- тиббиёт ОТМ клиникалари ва клиник ўқув базаларида аудиториядан ташқари ташкиллаштирилган клиник навбатчиликда тасдиқланган амалий кўникмаларни навбатчи шифокор-педагог назоратида сон ва сифат жихатдан бажариш ва навбатчилик дафтарларида акс эттириш;
- беморларни парвариш қилишда даволовчи ёки навбатчи хамшира билан иштирок этиш;
- аҳоли орасида санитар оқартув ишларини сухбат ва маърузаларни ўтказиш;
- айрим назарий мавзуларни ўқув адабиётлари ёрдамида мустақил ўзлаштириш;

- берилган мавзу бўйича ахборот (реферат) тайерлаш;
- модулнинг бўлимлари ёки мавзулари устида махсус ёки илмий адабиётлар (монографиялар, мақолалар) бўйича ишлаш ва маърузалар қилиш;
- вазиятли ва клиник муаммоларга йўналтирилган вазиятли масалалар ечиш;
- CASE (реал клиник вазиятлар ва клиник вазиятли масалалар асосида case-study) ечиш.
- моделлар ясаш, кроссвордлар тузиш, органайзерлар тузиш ва ҳ.к.

Клиник аллергология, иммунология модули бўйича курс иши режада кўзда тутилмаган.

Модул бўйича талабалар билимини назорат қилиш турлари ва баҳолаш мезонлари

Клиник аллергология, иммунология модули бўйича назорат турлари ва баҳолаш мезонлари ҳақидаги маълумот модул бўйича биринчи машғулотда талабаларга эълон қилинади.

Талабаларнинг модул бўйича ўзлаштириш даражасининг Давлат таълим стандартларига мувофиқлигини таъминлаш учун қуйидаги назорат турлари ўтказилади:

- жорий назорат (ЖН);
- синов (ЯН).

Модулга ажратилган 2,5 кредитни талаба ЖН давомида йиғади.

ЖОРИЙ НАЗОРАТ (ЖН)

Жорий назоратда талабанинг модул мавзулари бўйича билим, амалий кўникма ва компетенцияларни эгаллаш даражасини аниқлаш ва баҳолаб бориш кўзда тутилади. Клиник аллергология, иммунология модули бўйича ЖН оғзаки, ўргатувчи-назорат тестлари, тарқатма материаллари билан ишлаш, вазиятли масалалар, муляж ва фантомларда ишлаш маълумотларини ўрганиш, беморлар билан ишлаш, уйга берилган вазифаларни текшириш ва шу каби бошқа шаклларда ўтказилиши мумкин.

Баҳолашда талабанинг билим даражаси, амалий машғулот материалларини ўзлаштириши, назарий материал муҳокамасида ва таълимнинг интерактив усулларида иштирокининг фаоллик даражаси, шунингдек, амалий билим ва кўникмаларни ўзлаштириш даражаси, компетенцияларни эгаллаш (яъни назарий, аналитик ва амалий ёндошувлар) ҳисобга олинади.

Ҳар бир машғулотда барча талабалар баҳоланиши шарт. Максимал балл 100, ўтиш бали 55 балл.

Жорий назоратда талабалар билими таълим моделига асосланган холда қуйидаги босқичларда амалга оширилади: назарий ва амалий қисм (50:50).

Жорий назорат учун ажратилган 2,5 кредит семестрлар бўйича қуйидагича тақсимланади:

9-семестр – 2,5 кредит

Жорий назорат – 2,5 кредит;

Синов - 0 (ўтилиши мажбурий)

Талаба 9 семестрда белгиланган кредитларни тўплагандан кейин семестр якунида синовли вазимодули топширади ва ўтиш (саралаш) балидан ўтсагина кейинги семестрга ўтади. Талаба белгиланган кредитларни тўплагандан кейин семестр якунида Синов (ЯН)га киритилади.

Жорий назоратда саралаш (ўтиш) баллидан кам балл тўплаган ва узрли сабабларга кўра назоратларда қатнаша олмаган талабага қайта топшириш учун, навбатдаги шу назорат туригача, сўнгги жорий назорат учун синов (ЯН)гача бўлган муддат берилади.

Модул бўйича талаба рейтинги қуйидагича аниқланади:

Балл	**ECTS баҳо**	**ECTS нинг таърифи**		**Баҳо**	**Таъриф**
86-100	A	"аъло" – аъло натижа, минимал ҳатоликлар билан	модул дастури бўйича тизимли, тўла ва чуқур билимга эга бўлиши, зарур далиллар билан асослай олиши; терминологиядан (шу жумладан, илмий, хорижий тилда ҳам) аниқ, ўз ўрнида фойдаланиши, саволларга жавобни мантиқан тўғри, стилистик саводли равишда ифодалаши; муаммоли саволларни аниқлаши, ўз қарашларини илмий-амалий тилда асослаб бера олиши; модулнинг таянч тушунчаларини билиши ва уни қисқа вақт ичида илмий ва амалий масалаларни ечишда самарали қўллай олиши; ностандарт вазиятларда муаммоларни мустақил ва ижодий ҳал қила олиш қобилиятини кўрсата олиши;	5	аъло

			амалий кўникмаларни мустақил равишда тўлиқ бажара олиши (сифати ва белгиланган сони жиҳатдан) ва компетенцияларни тўлиқ эгаллаши; амалий масалаларни қисқа, асосланган ва рационал равишда ҳал этиши; модул дастурида тавсия этилган асосий ва қўшимча адабиётларни тўлиқ ва чуқур ўзлаштириши; модул бўйича назариялар, концепциялар ва йўналишлар моҳиятини англаш, уларга танқидий баҳо бериш ва бошқа модуллар илмий ютуқларини қўллай олиши; назарий ва амалий машғулотларда ижодий ва мустақил қатнашиши, гуруҳли муҳокамаларда фаол бўлиши, вазифаларни бажаришда юқори маданият даражасига эга бўлиши лозим;		
81-85	B	"жуда яхши" – ўртадан юқори натижа, айрим ҳатоликлар билан	модул дастури бўйича тизимли, тўла ва чуқур билимга эга бўлиши, зарур далиллар билан асослай олиши; терминологиядан (шу жумладан, илмий, хорижий тилда ҳам) аниқ, ўз ўрнида фойдаланиши, саволларга жавобни мантиқан тўғри, стилистик саводли равишда ифодалаши; ўз фикрини исботлашда ёки бошқа назарий материални баён қилишда юзага келган ноаниқликларни мустақил бартараф эта олиши; модулнинг таянч тушунчаларини билиши, қисқа вақт ичида илмий ва касбий вазифаларни қўйиш ҳамда ҳал қилишда ундан унумли фойдаланиши; стандарт вазиятларда муаммоларни ўқув дастури доирасида мустақил ҳал қила олиши; амалий кўникмаларни мустақил равишда тўлиқ бажара олиши (сифати ва белгиланган сони жиҳатдан) ва компетенцияларни тўлиқ эгаллаши;	4	яхши

			амалий машғулотларда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни яхши билишини намойиш қилиши, ушбу билимларни янги вазиятларда тўғри (лекин доим ҳам рационал эмас) қўллай олиши, бажарилган иш натижаларини етарли даражада расмийлаштира олмаганлиги; модул дастурида тавсия қилинган асосий адабиётларни ўзлаштириши; ўрганилаётган модул бўйича назариялар, концепциялар ва йўналишлар моҳиятини англай олиши ва уларга танқидий баҳо бериши; назарий ва амалий машғулотларда ижодий ва мустақил қатнашиши, гуруҳли муҳокамаларда фаол бўлиши, вазифаларни бажаришда жуда яхши маданият даражасига эга бўлиши лозим;		
71-80	C	"яхши" – ўртача натижа, сезиларли ҳатоликлар билан	модул дастури бўйича тизимли, тўла ва чуқур билимга эга бўлиши, зарур далиллар билан асослай олиши, аммо бир оз камчиликлар билан; терминологиядан (шу жумладан, илмий, хорижий тилда ҳам) аниқ, ўз ўрнида фойдаланиши, саволларга жавобни мантиқан тўғри, стилистик саводли равишда ифодалаши; ўз фикрини исботлашда ёки бошқа назарий материални баён қилишда юзага келган ноаниқликларни мустақил бартараф эта олиши; модулнинг таянч тушунчаларини билиши, қисқа вақт ичида илмий ва касбий вазифаларни қўйиш ҳамда ҳал қилишда ундан унумли фойдаланиши; стандарт вазиятларда муаммоларни ўқув дастури доирасида мустақил ҳал қила олиши; амалий кўникмаларни мустақил равишда бажара олиши (сифати ва белгиланган сони жиҳатдан) ва компетенцияларни эгаллаши, аммо		

			бир оз камчиликлар билан; амалий машғулотларда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни яхши билишини намойиш қилиши, ушбу билимларни янги вазиятларда тўғри (лекин доим ҳам рационал эмас) қўллай олиши, бажарилган иш натижаларини етарли даражада расмийлаштира олмаганлиги; модул дастурида тавсия қилинган асосий адабиётларни ўзлаштириши; ўрганилаётган модул бўйича назариялар, концепциялар ва йўналишлар моҳиятини англай олиши ва уларга танқидий баҳо бериши; назарий ва амалий машғулотларда ижодий ва мустақил қатнашиши, гуруҳли муҳокамаларда фаол бўлиши, вазифаларни бажаришда яхши даражага эга бўлиши лозим;		
60-70	D	"қониқарли" – суст натижа, кўпол камчиликлар билан	давлат таълим стандартлари (талаблари) доирасида етарли билим ҳажмига эга бўлиши; терминологияни ишлатиши, саволларга жавобларни тўғри баён қилиши, лекин бунда айрим хатоларга йўл қўйиши; жавоб беришга ёки айрим махсус кўникмаларни намойиш қилишда қийналганда, модул бўйича асосий тушунчага эга эканлигини намойиш этиши; амалий кўникмаларни (сифати ва белгиланган сони жиҳатдан) мустақил аммо ҳатоликлар билан тўлиқ бажара олиши; компетенцияларни мустақил, аммо ҳатоликлар билан эгаллаши; модулининг умумий тушунчалари бўйича қисман билимга эга бўлиши ва уни стандарт (намунавий) вазиятларни ҳал этишда қўллай олиши; педагог ходим ёрдами билан стандарт вазиятларни ҳал эта олиши;	3	Қони қарли

			ўқилаётган модул бўйича асосий назариялар, концепциялар ва йўналишлар моҳиятини англаши, уларга баҳо бера олиши; назарий ва амалий машғулотларда педагог ходим раҳбарлигида қатнашиши, вазифаларни бажаришда етарли маданият даражасига эга бўлиши лозим;		
55-59	E	"ўрта" – минимал натижага тенг	давлат таълим стандартлари (талаблари) доирасида қониқарли билим ҳажмига эга бўлиши; терминологияни ишлатиши, саволларга жавобларни тўғри баён қилиши, лекин бунда айрим қўпол хатоларга йўл қўйиши; жавоб беришга ёки айрим махсус кўникмаларни намойиш қилишда қийналганда ва ҳатоларга йўл қўйганда, модул бўйича асосий тушунчага эга эканлигини намойиш этиши; амалий кўникмаларни (сифати ва белгиланган сони жиҳатдан) мустақил эмас ва ҳатоликлар билан тўлиқ бажара олиши; компетенцияларни мустақил эмас ва ҳатоликлар билан эгаллаши; модулининг умумий тушунчалари бўйича қисман билимга эга бўлиши ва уни стандарт (намунавий) вазиятларни ҳал этишда қўллай олиши; педагог ходим ёрдами билан стандарт вазиятларни ҳал эта олиши; ўқилаётган модул бўйича асосий назариялар, концепциялар ва йўналишлар моҳиятини англаши, уларга баҳо бера олиши; назарий ва амалий машғулотларда педагог ходим раҳбарлигида қатнашиши, вазифаларни бажаришда етарли маданият даражасига эга бўлиши лозим;		
31-54	FX	"қониқарсиз" –	давлат таълим стандартлари	2	Қони

		минимал даражадаги билимларни олиш учун қўшимча мустақил ўзлаштириши зарур	(талаблари) доирасида фақат айрим фрагментар билимларга эга бўлса; илмий терминларни ишлата олмаса ёки жавоб беришда жиддий мантиқий хатоларга йўл қўйса; назарий ва амалий машғулотларда пассив қатнашиб, вазифалар бажариш маданиятининг паст даражасига эга бўлса; амалий кўникмаларга ва компетенцияларга эга бўлмаса, ўз хатоларини ҳатто педагог ходим тавсиялари ёрдамида ҳам тўғрилай олмаса.		қарсиз
0-30	F	"мутлоқ қониқарсиз" – тўлиқ қайта ўзлаштириши лозим	давлат таълим стандартлари (талаблари) доирасида фақат айрим фрагментар билимларга эга бўлса; терминларни ишлата олмаса ёки жавоб беришда жиддий ва қўпол мантиқий хатоларга йўл қўйса ёки умуман жавоб бермаса; назарий ва амалий машғулотларда пассив қатнашиб, вазифалар бажариш маданиятининг паст даражасига эга бўлса ёки умуман бажармаса; амалий кўникмаларга ва компетенцияларга эга бўлмаса, ўз хатоларини ҳатто педагог ходим тавсиялари ёрдамида ҳам тўғрилай олмаса.		

СИНОВ

ЖНга ажратилган кредитларни тўлиқ тўплаган талаба синовга киритилади. Синовда талабанинг билим, кўникма ва малакалари модулнинг умумий мазмуни доирасида баҳоланади. Синов модул бўйича ўқув машғулотлари тугаганидан сўнг кафедрада ёзма, оғзаки, ОСИ, тест ёки ОСКИ шаклида ўтказилади, Синовда 55 саралаш баллини ололмаган талаба Синовдан ўтмаган ва модулни ўзлаштирмаган деб ҳисобланади (ЖНда тўлиқ кредитни йиғган бўлса ҳам).

Таълим муассасаси ректорининг буйруғи билан ички назорат ва мониторинг бўлими раҳбарлигида тузилган комиссия иштирокида синовни ўтказиш жараёни даврий равишда ўрганиб борилади ва уни ўтказиш

тартиблари бузилган ҳолларда, Синов натижалари бекор қилинади ва синов қайта ўтказилади.

Касаллиги сабабли синовдан ўтолмаган талабаларга факультет декани фармойиши асосида, ўқишни бошлаганидан сўнг икки ҳафта муддатда топширишга рухсат берилади.

Семестр якунида синовдан ўтолмаган талаба академик қарздор ҳисобланади.

Академик қарздор талабаларга семестр тугаганидан кейин қайта ўзлаштириш учун бир ой муддат берилади. Шу муддат давомида модулни ўзлаштира олмаган талаба факультет декани тавсиясига кўра белгиланган тартибда ректорнинг буйруғи билан талабалар сафидан четлаштирилади.

Талаба назорат натижаларидан норози бўлса, модул бўйича назорат тури натижалари эълон қилинган вақтдан бошлаб бир кун мобайнида факультет деканига ариза билан мурожаат этиши мумкин. Бундай ҳолда факультет деканининг тақдимномасига кўра ректор буйруғи билан 3 (уч) аъзодан кам бўлмаган таркибда апелляция комиссияси ташкил этилади.

Апелляция комиссияси талабаларнинг аризаларини кўриб чиқиб, шу куннинг ўзида хулосасини билдиради.

Баҳолашнинг ўрнатилган талаблар асосида белгиланган муддатларда ўтказилиши ҳамда расмийлаштирилиши факультет декани, кафедра мудири, ўқув бўлими ҳамда ички назорат ва мониторинг бўлими томонидан назорат қилинади.

5. Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбалари

5.1. Асосий адабиётлар:

1.Алиев Ш.Р. Клиник иммунология. Дарслик. 2019 й.

2.Алиев Ш.Р. Клиническая иммунология. Учебник. 2019 й.

3. Л. В. Ковальчук, Л. В. Ганковская, Р. Я. Мешкова. Клиническая иммунология и аллергология с осноновами обўей иммунологии. Учебник. 2011 г. (электрон).

4. О.А. Назаров, Ж.А. Назаров, К.Ф.Низамов.“Клиник аллергология”. Дарслик - Тошкент. «FAN». 2014 йил.

5.2. Қўшимча адабиётлар:

1. Под редакцией Р.М. Хаитова, Н.И. Ильиной. «Аллергология и иммунология». Национальное руководство — Москва. «ГЭОТАР-Медиа». 2009год.

2.Под редакцией А.А.Воробьева, А.С.Быкова, А.В. Караулова. «Иммунология и аллергология». Цветной атлас—Москва. «Практическая медицина». 2006 г.

3.Р.М. Хаитов. «Иммунология». Учебник для вузов с компакт-диском — Москва. «ГЭОТАР-Медиа». 2006год.
4.Р.М.Хаитов, А.А.Ярилин, Б.В. Пинегин. «Иммунология». Атлас — Москва. «ГЭОТАР-Медиа». 2011 год.
5.Э.Чапель, М.Хейни, С. Мисбах, Н. Сновден. «Основы клинической иммунологии». Учебное пособие—5-е издание—Москва. «ГЭОТАР-Медиа». 2008 год.
6.В.А.Черешнев.«Иммунитет человека и общества». —«НИКО УРО РАН».2004год

5.3.Интернет сайтлари:

1. www.tma.uz
2. www.ziyonet.uz
3. www.medlincs.ru
4. www.medbook.ru.
5. www.MedPortal.ru
6. www.evrika.ru
7. www.Med-edu.ru
8. www.med-info.ru
9. www.medagent.ru
10. www.journals.medi.ru

“КЛИНИК АЛЛЕРГОЛОГИЯ, ИММУНОЛОГИЯ” МОДУЛИДАН СИЛЛАБУС

“клиник аллергология, иммунология” модулидан силлабус			
Модулнинг тўлиқ номи	**Клиник аллергология, иммунология**		
Модул коди:3.03	Кредит ҳажми: *умумий - 2,5 кредит* *шундан:* *9-семестр – 2,5 кредит* ЖН – 2,5 кредит; Синов - 0 (ўтилиши мажбурий)	Модул ўтилиш даври: 9 семестр	ECTS value:
Таълим йўналиши	5510100 – «Даволаш иши» 5511100 – «Профессионал таълим (5510100- Даволаш	5 босқич бакалаврлари	

	иши)»	
Модулнинг давомийлиги	9 кун	
Ўқув соатлари хажми:	Жами соат:	90
	Шунингдек:	
	маъруза	10
	амалий машғулот	44
	мустақил таълим	36
Ўқув модулининг статуси	Клиник модуллар блоки	
ОТМ номи, манзили	Тошкент тиббиёт академияси, Фаробий 2 уй	
Кафедра номи	Аллергология, клиник иммунология ва ҳамширалик иши	
Мазкур курснинг ўқитувчилари ҳақида маълумот	Маърузачиларнинг Ф.И.Ш. Амалий машғулот ўтказувчиларнинг Ф.И.Ш.	E-mail: E-mail:
Машғулот вақти ва жойи		
Модулнинг мазмуни	Клиник аллергология, иммунология модули бўлажак мутахассисни қишлоқ оилавий поликлиника ва оилавий поликлиникаларда аллергик касалликларни олдини олиш, ташхислаш, даволаш ва реабилитация ўтказиш модули бўлиб ҳисобланади.	
Пререквизитлар	Анатомия, физиология, биология фанлари назарий қисми ҳисобланади.	
Постреквизитлар	Клиник модуллари учун назарий замин бўлиб хизмат қилади.	
Модулнинг мақсади	Талабаларга ахоли ўртасида ўткир ва сурункали аллергик касалликларни эрта ташхислаш, соғлом турмуш тарзини тарғибот қилиш, аллергик касалликларнинг ташхислашнинг замонавий лаборатор усулларидан кенг фойдаланган холда беморларнинг тиббий муаммоларнинг ечимини топиш ҳақида билим, кўникма ва малакани шакллантиришдир.	
Модулнинг вазифалари	– деонтология ва этика тамойилларини талабалар онгига сингдириш; – даволаш профилактик муассасаларида замонавий лаборатор асбоб –ускунавий аллергологик текшириш	

	усулларидан кенг фойдаланиш, усулларнинг сезувчанлиги ва спецификлиги билан таништириш; – Ўзбекистон Республикасида ихтисослаштирилган аллергологик хизмат тизими билан таништириш; – аллергологик касалликларнинг таснифи ва ўзига хос хусусиятлари, ривожланиш патогенетик механизмларини ўргатиш; – аллергик касалликларнинг асосий тасҳишлаш усулларини ўргатиш; – аллергик касалликларни даволаш усулларини ўргатиш; – аллергологик касалликларни бирламчи ва иккиламчи профилактикаси билан таништириш; – аллергологияда жадал холатларда биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш протокол ва стандартлари билан таништириш; – аллергологик беморларни даволашнинг замонавий усуллари тўғрисидаги илмий адабиётлардан фойдаланишни ўргатиш.
Модул бўйича талабалар билими, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар	**Талаба тасаввурга эга бўлиши керак:** – аллергологик касалликларининг эпидемиологик маълумотлари, – этиологик ва хавф омилларининг таъсири, – патогенезининг замонавий назариялари, таснифлари, – диагностиканинг, шу жумладан эрта диагностиканинг замонавий усуллари, – турли босқичларда даволаш схемалари, бирламчи ва иккиламчи профилактикаси тўғрисида. **Талаба билиши шарт:** – Аллергологик касалликларнинг асосий диагностик белгиларини аниқлаш, – Аллергологик касалликлари нуқтаи назаридан керакли текшириш режасини тузиш, – Аллергологик синамаларини танлаш ва ўтказиш техникаси, – Специфик текширишга аллергологга юбориш кўрсатмаларни аниқлаш, – Лаборатор ва инструментал текшириш натижаларини тахлил қилиш,

	– Хақиқий ва псевдоаллергик холатларни таққослаш, – Специфик ва носпецифик гипосенсибилизацияни ўтказиш учун кўрсатмаларни аниқлаш, – Бронхиал обструкцияни қайтиш - қайтмаслигини аниқлаш, – Бронхларнинг гиперреактивлигини аниқлаш, – Шошилинч холатларда (Квинке шиши, Лайелласиндроми, бронхиал астма хуружи, анафилактик шок)тезкор тиббий ёрдам кўрсата олиш, – Тиббий хужжатларни юритиш асослари ҳақида. **Талаба бажара олиши лозим:** – Мустақил равишда махсус аллергологик ва медикаментоз анамнез йиғиш, – Клиник (умумий қон, пешоб, балғам) таҳлили, биокимё ва иммунологик тахлилларни интерпретацияси, – Пикфлоуметрияни ўтказиш ва интерпретацияси, – Тери синамаларни ўтказиш ва натижалари интерпретацияси, – Ингалятордан фойдаланиш техникаси, – Шошилинч аллергик ҳолатларда (Квинке шиши, бронхиал астма ҳуружи, анафилактик шок) биринчи ёрдам кўрсатиш. **Талаба қуйидаги кўникмаларга эга бўлиши лозим:** 1. Аллергологик анамнез йиғиш; 2. Махсус медикаментоз анамнез йиғиш; 3. Пикфлоуметрияни ўтказиш ва интерпретация қилиш; 4. Тери синамаларни ўтказиш ва натижалари интерпретация қилиш; 5. Ингалятордан фойдаланиш техникаси; 6. Шошилинч аллергик холатларда (Квинке шиши, бронхиал астма ҳуружи, анафилактик шокда) биринчи ёрдам кўрсатиш.
Таълим бериш усуллари	Маъруза, амалий машғулотлар
Таъминот	видеофильмлар, мультимедияли ва ўқитувчи компьютер дастурлардан, ўқитиш методикасидаги янги технологиялардан, мавзулар бўйича назарий билимларни сўрашдан фойдаланилади;

	бакалаврларнинг мустақил иши, индивидуал ва гуруҳли презентациялар, уйга берилган вазифаларни тайёрлаш, рефератлар ёзиш, тестлар, вазиятли масалалар ва бошқалар.

Ўқитиш натижалари:

Модулни якунлаганда талаба билади:

1. Аллергологик касалликларнинг асосий диагностик белгиларини;
2. Аллергологик касалликлари нуқтаи назаридан керакли текшириш режасини;
3. Аллергологик синамаларини танлаш ва ўтказиш техникасини;
4. Специфик текширишга аллергологга юбориш кўрсатмаларни;
5. Лаборатор ва инструментал текшириш натижаларини тахлил қилиш;
6. Специфик ва носпецифик гипосенсибилизацияни ўтказиш учун кўрсатмаларни аниқлаш;
7. Бронхиал обструкцияни қайтиш - қайтмаслигини аниқлаш;
8. Бронхларнинг гиперреактивлигини аниқлаш;
9. Шошилинч ҳолатларда (Квинке шиши, Лайелласиндроми, бронхиал астма хуружи, анафилактик шок)тезкор тиббий ёрдам кўрсата олиш;
10. Тиббий ҳужжатларни юритиш асосларини.

Модулни якунлаганда талаба бажара олади:

1. Мустақил равишда махсус аллергологик ва медикаментоз анамнез йигиш;
2. Клиник (умумий қон, пешоб, балғам) таҳлили, биокимё ва иммунологик тахлилларни интерпретацияси;
3. Пикфлоуметрияни ўтказиш ва интерпретацияси;
4. Тери синамаларни ўтказиш ва натижалари интерпретацияси;
5. Ингалятордан фойдаланиш техникаси;
6. Шошилинч аллергик холатларда (Квинке шиши, бронхиал астма ҳуружи, анафилактик шок) биринчи ёрдам кўрсатиш.